

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.1.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВА ДИЛНАВОЗ АКРАМОВНА

МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ
КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Абдиева Дилнавоз Акрамовна

Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт
салоҳиятини ошириш3

Абдиева Дилнавоз Акрамовна

Увеличение экспортного потенциала швейно-трикотажных предприятий на
основе маркетинговых подходов27

Abdieva Dilnavoz Akramovna

Increasing the export potential of sewing and knitting enterprises on the basis of
marketing approaches51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АБДИЕВА ДИЛНАВОЗ АКРАМОВНА

**МАРКЕТИНГ ЁНДАШУВЛАРИ АСОСИДА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ
КОРХОНАЛАРИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ**

08.00.11 – Маркетинг

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1606 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Махмудов Носир Махмудович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эргашходжева Шахноза Джасуровна**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Касимова Фатима Тулкуновна
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75; факс: (99871) 239-28-75; e-mail: tdiu@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.П.Эшов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

Д.М.Мавлянова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д., PhD

Ш.Ж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тикув-трикотаж маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан маҳсулотнинг кенг истеъмол моллари таркибида, иккинчи томондан эса “брент” маҳсулот сифатидаги хусусияти жаҳон иқтисодиётида тикув-трикотаж саноатининг юқори суръатлар билан ривожланиши ва экспорт даражасини белгилаб бермоқда. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра, «2019 йилда ўнта глобал ТОП экспортчи мамлакатларнинг тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 262 млрд. АҚШ долларни ташкил этиб, унда етакчи ўринларни Хитой Халқ Республикаси, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон ва АҚШ эгаллаган»¹. Тикув-трикотаж маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда, уларнинг юқори самарадорлиги бугунги кунда тикув-трикотаж ишлаб чиқариш экспорти салоҳиятини янада оширишни долзарб муаммо сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Жаҳон тикув-трикотаж маҳсулотлари бозорида рақобатбардош ишлаб чиқариш шароитида маҳаллий табиий ресурсларни комплекс қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг минтақавий муаммолари, мавжуд имкониятларни ишлаб чиқариш оборотига самарали жалб қилиш, стратегик мақсадлар асосида инновацион маркетингни ташкил этиш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, юқори қўшилган қийматли тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт салоҳиятини ошириш, кластерли ёндашувга кўра минтақа даражасида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, «сифат менежменти» стратегиялари асосида корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш йўналишларидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида табиий ресурслар асосида тайёр ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, айниқса, жаҳон бозорларида рақобатбардошли тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш, экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби йўналишларида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Принципал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш ва шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»² устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бу борада миллий тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини баҳолаш ёндашувларини такомиллаштириш, жаҳон бозорларида миллий тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳияти ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маркетинг тадқиқотларида харидор омилини нуфузли мезон сифатида шакллантириш ҳамда соҳада кластерларни ташкил қилган ҳолда улар фаолияти истиқболи юзасидан

¹ World Trade Statistical Review 2020. https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/wts2020_e/wts19_toc_

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // www.lex.uz.

услугий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро савдо, жумладан, экспортнинг классик назарияси, хорижий мамлакатлар олимлари Адам Смит, Давид Рикардо, Дж. Кейнс, Стюарт Милль, Б.Олин, Э.Хекшер, П.Самуэльсон, В.Леонтьев, А.Маршал, Й.Шумпетер, М.Портер³лар томонидан яратилган. Маркетинг соҳаси шаклланиши, уларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масалалари билан хорижлик олимлардан Ансофф И., Альтшуллер И., Дэй Дж., Котлер Ф., Ламбен Ж.-Ж., Нэреш К. Малхотра, Портер М., Теодор Л⁴ ва бошқалар шуғулланишган.

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов – М. “Соц.экгиз”, 1962. Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. М. «Прогресс», 1948. Самуэльсон П. Экономика. Т. «Алгон» ВНИИСИ 1992. Рикардо Д. “Начало политической экономии и налогового обложения» (пер. с англ.) М.: Издательств «Эконов-Ключ», 1993. Стюарт Милль. Основы политической экономии – Пер. с англ. М.: «Прогресс», 1980-1981. Хекшер Э. и Олин Б. Влияние внешней торговли на распределение дохода – М.: «ТЕИС», 2006. Леонтьев В. Внутреннее производство и внешняя торговля: новое исследование позиций американского капитала – М.: «ТЕИС», 2006. Портер М. Международная конкуренция – М.: «Международные отношения», 1993

⁴ Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб.: Питер, 1999. – 416 с., Альтшуллер И. Стратегия и маркетинг: две стороны одной медали, или Просто – о сложном. – М. Дело, 2010. – 542 с., Дэй Дж. Стратегический маркетинг. - М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2002. - 640 с., Котлер Ф. Основы маркетинга. 5-е изд. / Ф. Котлер, А. Гари. - М.: Вильямс, 2016. - 752 с., Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок (Пер. с англ. Под ред. В.В. Колчанова). - СПб.: Питер, 2014. – 800 с., Нэреш К. Малхотра Маркетинговые исследования. Практическое руководство / Нэреш К. Малхотра. - М.: Издание Студенческой

МДХ мамлакатларида халқаро маркетинг масалалари билан Азоев Г.Л., Акулич М.В., Багиев Г.Л., Моисеева Н.К., Никифорова С.В., Бондарев А.К., Черенков В.И., Голубков Е.П., Диденко Н.И., Земляк С.В., Моргунов В.И.⁵ ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати иқтисодиёти, жумладан, маркетингининг ривожланиш муаммолари Ғуломов С.С., Солиев А., Бекмуродов А.Ш., Йўлдошев Н.К., Икромов М., Салимов С.А., Фаттахов А., Ахунова Г.Н., Қосимова М.С., Махмудов Н.М., Эргашходжаева Ш.Дж.⁶ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти бўйича илмий тадқиқотлар: М.Р.Болтабоев ва З.Д.Адилова⁷лар томонидан фан докторлик ҳамда Х.И.Холиқова, У.А.Расулов, Г.А.Кариева, Бе Янг Сонг, Д.М.Мирзахалилова, Г.Э.Захидов, З.А.Хакимов, Л.Ў.Мингашевлар, Н.М.Муминова⁸лар эса фан номзодлик (PhD) диссертациялари даражасида

Юбилейной Комиссии почествованию проф. В.Р.Вильямс, 2015. - 764 с., Портер М. Конкуренции. Исправленное издание. - М: Изд. дом «Вильямс», 2005. – 257 с., Theodor Lewitt, “The Globalization of Markets”. Harvard Business Review, May-Jun 1983, pp. 92-102.

⁵ Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия, практика. - М.: Центр экономики и маркетинга, 1996. – 322 с., Акулич М.В. Интернет-маркетинг: Учебник для бакалавров / М.В. Акулич. - М.: ИТК Дашков и К, 2016. - 352 с., Багиев Г.Л. Моисеева Н.К., Никифорова С.В. Международный маркетинг: Учебник. - СПб: Питер, 2001. – 512 с., Бондарев А.К., Черенков В.И. Международный маркетинг: Учеб. Пособие. – СПб.: Изд-во СПб УЭФ, 2013. – 412 с., Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. 4-е изд., перераб.и доп / Е.П. Голубков. - М.: Финпресс, 2008. - 496 с., Диденко Н.И. Международный маркетинг: Учебник для бакалавров / Н.И. Диденко, Д.Ф. Скрипнюк. - Люберцы: Юрайт, 2016. - 556 с., Земляк С.В. Международный маркетинг: Учебное пособие / С.В. Земляк, О.Н. Романенкова, Н.Г. Каменева. - М.: ИНФРА-М, 2013. - 292 с., Моргунов В.И. Международный маркетинг: Учебник для бакалавров / В.И. Моргунов, С.В. Моргунов. - М.: ИТК Дашков и К, 2015. - 184 с.

⁶ Ғуломов С.С. Маркетинг асослари. – Т.: Шарқ, 2002. – 254 б., Soliyev A. Marketing. Bozorshunoslik. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010; Бекмуродов А.Ш., Янг Сонг Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ. 2006. – 112 с.; Икромов М.А., Салимов С.А. Международный маркетинг: учеб. Пособие для ВУЗов. – Т.: Изд-во Нац. Библ. Узбекистана им. А. Навои, 2010. – 276 с.; Фаттахов А.А. Улгуржи савдода маркетинг стратегияси ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т., 2006. – 250 б., Махмудов Н.М., Хамидов С., Авазов Н., Инвестициялардан самарали фойдаланиш асосида саноат тармоқларини ривожлантириш. Монография 2020. – 276 б., Ergashxodjaeva Sh.Dj., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik. – Т., 2019. – 361 б., Ergashxodjaeva Sh.Dj., Nazarova F.M., Karimova R.N., Xalqaro marketing: Darslik. – Т., 2019. – 345 б.

⁷ Болтабаев М. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2005. – 342 б.; Адилова З. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиялари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2008

⁸ Халиқова И. Региональные особенности рационального использования экспортного потенциала и развитие внешнеэкономической деятельности Узбекистана: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.: 2003., Расулов У. Предпосылки повышения эффективности экспортной деятельности текстильной отрасли в процессе глобализации мировой экономики (на основе сравнительного анализа текстильных отраслей Республики Узбекистан, Бангладеш и Республики Корея”: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.: 2005. Кариева Г. Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.: 2008. Бе Янг Сонг. Управление развитием текстильной промышленности на основе стратегии формирования кластеров (на материалах Республики Корея и Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.; 2008., Мирзахалилова Д. Повышение конкурентоспособности текстильной промышленности Узбекистана на основе кластеризации: автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.: 2012., Захидов Ғ. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги: иқт. фан. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. Т.: 2017. Хакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш

тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотчилар илмий натижаларига методологик жиҳатдан қаралганда, шундай хулоса қилиш мумкинки, улар тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш муаммоларини ялпи (ассортимент сегментлари хусусиятларини эътиборга олмаган ҳолда) ҳал этишга, яъни кўпроқ макро (соҳа, тармоқ) даражасида ёндашганлар. Аммо юқоридаги муаллифлар, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, токи уни тайёр маҳсулот шаклида экспорт қилишгача бўлган жараёндаги «технологик занжир»нинг асосий бўғини – тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини маркетинг тадқиқотлари асосида ривожлантириш муаммолари ечимини топишга асосий эътиборни қаратмаганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170930136 «Янги инновацион технологияларни жорий этиш асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини иқтисодий салоҳиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқаро савдонинг глобаллашуви шароитида ташқи савдони ташкил қилиш амалиётини таҳлил қилиш;

тикув-трикотаж саноати корхоналарида маркетинг концепциялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

корхоналар экспорти салоҳиятини оширишда халқаро маркетингдан фойдаланишнинг услубий асослари ва ижобий хориж тажрибани таҳлил қилиш;

жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозори ривожининг ҳозирги ҳолати таҳлили ва тенденцияларини асослаш;

миллий тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт ва маркетинг фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва маҳсулотлар экспорти салоҳиятини баҳолашнинг маркетинг ёндашувларини танқидий таҳлил қилиш;

глобаллашув жараёнида миллий тикув-трикотаж маҳсулотлари халқаро бозорини сегментлаш асосида истиқболли бозорларни танлаш ва маркетинг тадқиқотларини харидор ҳал қилувчи омил архитектурасини қуришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

йўллари. Монография, Т.Иқтисод-2017. Мингашов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: иқт. фан. фал. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. Т.: 2018. – 12 б., Муминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш: иқт. фан. фал. док. (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2017. – 26 б.

тикув-трикотаж маҳсулотлари халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича маркетинг услубиётини такомиллаштириш;

тикув-трикотаж саноати корхоналарини ташқи бозорга чиқиш ва экспорт салоҳиятини оширишда замонавий маркетинг ёндашувларидан фойдаланишни такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тикув-трикотаж корхоналарининг ишлаб чиқариш, маркетинг ва экспорт фаолиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тикув-трикотаж корхоналарининг халқаро маркетинг фаолияти ва экспорт салоҳиятини ошириш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, бенчмаркинг, кабинет ва дала тадқиқотлари, танланма кузатув, PEST-таҳлил, SWOT-таҳлил, график талқин, сегментлаш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги ишлаб чиқариш субъектларининг экспорт бозорига чиқишига тўсқинлик қилувчи омилларни баллар, экспорт мезонларини муҳимлик ва экспорт салоҳиятини бирлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш негизида тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳиятини маркетинг интеграл оралиқ натижалари ёндашувига [критик (0 дан 0,30 гача), қониқарсиз (0,31- 0,50), қониқарли (0,51 – 0,70), яхши (0,71 - 0,85) ва идеал (0,86-1)] кўра баҳолаш таклиф этилган;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тикув-трикотаж бозорларининг ўзига хос маркетинг истеъмол хусусиятлари очиб берилиб, бир-бирига яқин 4 гуруҳдан иборат (I- Озарбайжон, Туркманистон; II- Беларусь, Тожикистон; III- Арманистон; IV- Россия, Қозоғистон, Қирғизистон) бозорлар сегменти шакллантирилган ҳолда, миллий тикув-трикотаж ишлаб чиқаришининг экспорт салоҳияти стратегиясини амалга ошириш асосланган;

глобаллашув жараёнида тикув-трикотаж маҳсулотларининг бозор рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг тадқиқотларини товарлар нархи маркетинг сиёсатини ишлаб чиқаришдан кўра харидор ҳал қилувчи омил архитектурасини қуришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ҳудудий-предметли шаклидаги ихчам «Пахта-тўқимачилик» кластерини ташкил қилган ҳолда, унинг ҳар бир (ёndoш) ишлаб чиқариш бўғини учун ихтисослашган хизмат кўрсатувчи инфратузилма, ўқув-илмий тузилмани шакллантириш (интеграциялаш)га асосланган ҳолда истиқболда ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини халқаро даражага мувофиқлигига кўра ташкил қилиш ва унинг асосида экспорт салоҳиятини ошириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МДХ мамлакатлари бозорлари бўйича тикув-трикотаж маҳсулотларининг мақсадли бозорини танлаш ҳамда сегментларга ажратиш услуби LOV-усули ва кластер-таҳлил ёрдамида такомиллаштирилган;

тикув-трикотаж корхоналари халқаро бозордаги стратегик мавқеини баҳолаш усули SPACE-усулини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

тикув-трикотаж маҳсулотлари халқаро бозорида янги салоҳиятли харидорларни жалб этишга қаратилган маркетинг стратегияси VALS-усули ва «Товар-бозор» матрицаларини интеграллаш асосида такомиллаштирилган;

«пахта-тўқимачилик кластерлари» фаолиятини ўқув-илмий таъминот асосида чуқурлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва Божхона статистик маълумотларидан олингани, тадқиқотда умумқабул қилинган методологик-услубий ёндашувларнинг қўлланилгани ҳамда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, натижаларнинг ваколати давлат ташкилотлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тикув-трикотаж ишлаб чиқаришининг экспорт салоҳиятини баҳолаш услубиётини маркетинг тадқиқотларини товарлар нархини белгилашда харидорлар ҳал қилувчи роль ўйнаши архитектураси қурилиши ҳамда истиқбол ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини халқаро даражага мувофиқлигига кўра ташкил қилиш ва шу асосда экспорт салоҳиятини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги негизида такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан соҳа кластерлари фаолиятини ташкил қилиш ҳамда истиқбол дастурларини ишлаб чиқишда, маркетинг тадқиқотлари асосида маҳсулот экспорти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари, жумладан, «Маркетинг» фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳиятини интеграл оралиқ натижаларига [критик (0 дан 0,30 гача), қониқарсиз (0,31- 0,50), қониқарли (0,51 – 0,70), яхши (0,71 - 0,85) ва идеал (0,86-1)] кўра баҳолаш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарининг маркетинг фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 январдаги 03/14-438-сон ва «FULL COTTON» МЧЖ тўқимачилик корхонасининг 2020 йил 26 декабрдаги маълумотномалари).

Натижада «FULL COTTON» МЧЖ тўқимачилик корхонаси экспорт ҳажми 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан 4,1 фоизга ошган, корхонанинг маҳсулот экспорт салоҳияти шу даврда 1,6 фоизга ортган, маҳсулот таннархи эса 0,6 фоизга камайган;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тикув-трикотаж бозорларининг 4 гуруҳдан иборат бозорлар сегментига асосан, миллий тикув-трикотаж ишлаб чиқаришининг экспорт салоҳияти стратегиясини амалга ошириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг маркетинг фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 январдаги 03/14-438-сон ва «Betlis Tekstil» МЧЖ тўқимачилик корхонасининг 2020 йил 25 декабрдаги маълумотномалари). Натижада «Betlis Tekstil» МЧЖ тўқимачилик корхонаси экспорт ҳажми 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан 3,1 фоизга, экспорт салоҳияти 1,4 фоизга ошган;

глобаллашув жараёнида тикув-трикотаж маҳсулотларининг бозор рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг тадқиқотларини товарлар нарҳини белгилашда ишлаб чиқарувчилардан кўра харидорларнинг ҳал қилувчи рол ўйнаши архитектурасига қурилиши таклифи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг маркетинг фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 январдаги 03/14-438-сон маълумотномаси). Натижада экспортёр корхоналарининг маҳсулот сотиш ҳажми 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 1,6 % га ошган;

минтақаларда «Пахта-тўқимачилик кластерлари»ни ташкил қилиш ҳамда тикув-тўқимачилик тармоғи экспорт салоҳиятини оширишнинг комплекс тадбирлари тизими ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини халқаро даражага мувофиқлиги бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналари фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 29 январдаги 03/14-438-сон маълумотномаси). Натижада «FULL COTTON» МЧЖ пахта-тўқимачилик корхонасининг маҳсулоти таннархи 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 0,6 % га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 10 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 153 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо глобаллашуви шароитида ташқи савдони ислоҳ қилишнинг асосий жиҳатлари асослаб берилган, тикув-трикотаж саноати корхоналарида маркетинг концепциялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, тикув-трикотаж корхоналари экспорти салоҳиятини оширишда халқаро маркетингдан фойдаланишнинг услубий асослари ҳамда хориж тажрибаси ўрганилган ва уни республикамиз амалиётига жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги даврда иқтисодчи олимларни ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда – индустриалаштиришни асосий омиллар сифатида қаралиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, мазкур жараёнда ташқи савдонинг ўрни муҳимлиги ҳам таъкидланган. Бундай шароитда ташқи иқтисодий сиёсатнинг энг мақбул шаклини танлашга оид қарашлар ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда.


Ўтган асрнинг 50 – 60 - йилларида ривожланган мамлакатларда энг жозибали фаолият бу — импорт ўрнини босиш сиёсати саналган. Ривожланишнинг ушбу стратегияси иқтисодиётни индустриалаштиришни биринчи ўринга қўйишни илгари суриб, унга «маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини жалб этиш орқали катта ҳажмдаги ички бозордаги таркибий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган йирик саноат мажмуаларини қуриш ва шундан кейин уларни экспортга йўналтириш» орқали эришишни назарда тутди. Шу билан биргаликда, ушбу мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришининг мавжуд ҳолатини дастлабки ривожлантириш босқичида улардаги юқори харажатлар билан боғлиқ бўлишлиги сабабли мазкур корхоналар кенг имкониятларга ва кўникмаларга эга бўлган хорижий фирмалар билан рақобатлаша олмади, шу боисдан хусусий капитални янги саноат тармоқларини барпо этишга йўналтирилиш имконияти бўлмади. Аммо келгусида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва тажрибалар тўпланиши оқибатида маҳаллий ишлаб чиқариш рақобатбардош бўлиши мумкин. Ушбу далил – «ташқил этилаётган саноатни ҳимояланиш» номи билан аталувчи –

кўплаб ривожланиш йўлини танлаган мамлакатларнинг импорт ўрнини босиш сиёсатининг асоси саналади.

Экспортга йўналтирилган сиёсатнинг мақсади ҳам иқтисодий индустриялаштириш ҳисобланади. Аммо унга ташқи савдо чекланишлари ва импорт дискриминацияси ёрдамида маҳаллий ишлаб чиқариш орқали импорт ўрнини босиш орқали эмас, балки иқтисодийнинг очиқлиги, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш натижасида эришилади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экспортга нисбатан глобаллашувнинг афзалликларидан унумли фойдаланиш сиёсатини юритиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчиларнинг экспортга йўналтирилган сиёсатини кенг миқёсда олиб боришини, уни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу борада халқаро маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда халқаро бозор эволюцияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Халқаро маркетингнинг ривожланиш босқичлари ⁹

«Халқаро маркетинг» атамаси республикаимиз иқтисодий лексикасига кириб келган бўлса-да, аммо унинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ ифодаладиган таърифи мавжуд эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари томонидан икки ёки ундан ортиқ мамлакатларга маҳсулотлар ва хизматларни сотиш билан шуғулланадиган фирмаларни халқаро компаниялар таркибига киритиш амалиёти жорий қилинган.

Шу билан бирга, бу борада бошқа қарашлар ҳам мавжуд: халқаро компания маҳаллий ишлаб чиқарувчидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, унинг ярим тайёр маҳсулот ёки тайёр ҳолдаги товарлари фақат мамлакат

⁹ Муаллиф ишланмаси

худудида эмас, балки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга харакатлантирилади.

Бизнинг фикримизча, Халқаро маркетинг — бу иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида ўз мамлакатидан ташқарига товар ёки хизматни сотиш, хориж бозорида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ролини бажарувчи фирма бўғини ёки бошқа корхоналар билан ҳамкорлик асосида иш юритувчи, бошқа мамлакатга тааллуқли компания маркетинг фаолиятини назорат қилиш ёки айрим таъсирлар ўтказиш жараёнига жалб этилган фирмалар ўртасидаги ўзаро алоқалар мажмуасидир.

Халқаро бизнесда фаолият юритувчи компаниялар жаҳон бозорига нисбатан йўналтирилган сиёсатини амалга оширувнинг қуйидаги учта концепциясидан бирини танлайди:

ички бозорни кенгайтириш концепцияси;

мультиички бозор концепцияси;

глобал маркетинг концепцияси.

Ҳар бир концепцияда мужассамлашган ғоялар фалсафий йўналтирилганлигини қамраб олиб, келгусида компанияларнинг халқаро жараёндаги эволюция босқичларини белгилаб беради.

Диссертациянинг **«Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тизимидан фойдаланилиш ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозори ривожининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорти ва маркетинг фаолияти таҳлили амалга оширилган. Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини маркетинг ёндашувлари асосида баҳолаш услуги ишлаб чиқилган ва у асосида республикамизда фаолият юритаётган тикув-трикотаж корхонаси мисолида экспорт салоҳияти баҳоланган.

Диссертацияда олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тўқимачилик бозоридаги асосий экспортчилар узок вақтдан бери Хитой Халқ Республикаси (ХХР), ЕИ мамлакатлари ва Ҳиндистон ҳисобланади. Уларнинг мазкур маҳсулот гуруҳи учун жаҳон экспортидаги улуши 79,4% ни ташкил этади.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) 2019 йилда тўртликда ўрин олган. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, йил охирида 2010 йил даражасига нисбатан энг яхши 10 та глобал ТОП тўқимачилик экспортчилари ўз маҳсулотлари ҳажмларини оширишга эришган. ХХР (1,0 %) ва Вьетнам (8,0 %) мамлакатларида 2018 йилга нисбатан ўсиш, қолган мамлакатларда пасайиш кузатилган. Экспорт ҳажмининг 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан энг юқори ўсиши Вьетнамда кузатилиб, ўсиш даражаси 8 % ни ташкил этган, энг юқори пасайиш Хитой Тайпейда кузатилиб, унинг даражаси 8 % ни ташкил қилган (1-жадвал).

Тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳондаги глобал импортида эса унда етакчилар ЕИ мамлакатлари, Вьетнам, ХХР ва АҚШ саналади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, тўқимачилик маҳсулотлари жаҳон импорти ҳажмида ТОП-4

мамлакатларнинг кўшма улуши 2019 йилда 76,9 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2000 йилда эса 52,8% га тенг бўлган. Бунга асосий сабаб бу даврда кийим-кечак ишлаб чиқаришнинг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ўтказилиши саналади.

1-жадвал

Мамлакатлар бўйича жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти (кийимдан ташқари)¹⁰, млрд. АҚШ долл.

Экспортёрлар	Экспорт ҳажми, 2019 й.	Жаҳон экспорт/импортидаги улуши				Йиллик ўзгариш, %			
		2000	2005	2010	2019	2010-2019	2017	2018	2019
ХХР	1120	10,3	20,2	30,4	39,2	5,0	5,0	8,0	1,0
ЕИ	66	36,4	34,8	26,9	21,7	0	5,0	7,0	-6,0
Extra-ЕИ	24	9,8	9,9	8,1	7,9	1,0	5,0	8,0	-5,0
Ҳиндистон	17	3,6	4,1	5,1	5,6	3,0	6,0	4,0	-5,0
АҚШ	13	7,0	6,1	4,8	4,4	1,0	3,0	1,0	-3,0
Туркия	12	2,4	3,5	3,5	3,9	3,0	5,0	4,0	-1,0
Жанубий Корея	9	8,1	5,1	4,3	3,0	-2,0	-2,0	0	-7,0
Хитой Тайпейи	9	7,6	4,8	3,8	2,8	-1,0	3,0	0	-8,0
Вьетнам	9	0,2	0,4	1,2	2,9	12,0	21	13	8,0
Покистон	7	2,9	3,5	3,1	2,3	-1,0	2,0	2,0	-11
Гонконг:	6	-	-	-	-	-6,0	-4,0	-3,0	-13
- ўз экспорти	0	0,8	0,3	0,1	-	-11,0	7,0	3,0	11
- реэкспорт	6	-	-	-	-	-6,0	-4,0	-3,0	-14
Жами ТОП 10	262	79,2	82,7	83,3	85,8	-	-	-	-


Жаҳонда кийим-кечак маҳсулотларига бўлган талаб даражаси аҳоли сонининг кўпайиши ҳисобига йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари бозоридаги ўзгаришлар кийим-кечак бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳонда кийим-кечак маҳсулотлари экспортида ҳам ХХР кейинги йилларда етакчилик қилиб келмоқда. Ушбу давлатнинг кийим-кечак маҳсулотлари экспорти 2019 йилда 152 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 4 % га камайиш рўй берган. Кейинги ўринни ЕИ мамлакатлари эгаллаб, ушбу давлатларнинг 2019 йилдаги кийим-кечак маҳсулотлари экспорти ҳажми 2018 йилдагига нисбатан ўзгаришсиз қолиб, 136 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Жаҳонда 2019 йилда кийим-кечак маҳсулотлари экспорти бўйича учинчи ўринни Бангладеш эгаллаган. Ушбу давлатнинг 2019 йилдаги кийим-кечак маҳсулотлари экспорти ҳажми 34 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 2 % га ошган.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда 7,5 мингдан ортиқ тўқимачилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Саноат ишлаб чиқариш таркибида 2018 йил якунига кўра тўқимачилик саноати маҳсулотларининг улуши 13,1 % ни

¹⁰ World Trade Statistical Review 2020

ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажми 107,4 % га тенг бўлди ва 2019 йилнинг якунида эса тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 2018 йилдагига нисбатан 5,7 %га ўсди ва амалдаги нархларда 18 трлн. 217 млрд. 500 млн. сўмни ташкил этди. Жами саноат ишлаб чиқариш таркибида 2019 йилнинг якунларига кўра, тўқимачилик саноати маҳсулотларининг улуши 12,0 % ни ташкил этди.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги 1180 та корхона 2019 йилда жаҳоннинг 54 та мамлакатига ўз маҳсулотларини экспорт қилган. Айти пайтда мазкур уюшма корхоналари ўз маҳсулотларини Россия, Туркия, Канада, Жанубий Корея, Сингапур, Эрон, Исроил, МДҲ мамлакатлари, Хитой, АҚШ ва қатор араб давлатларига экспорт қилиб келмоқда ҳамда уюшма таркибидаги корхоналарнинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда (2-расм).



2-расм. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятининг ўсиб бориш динамикаси (млрд. доллар)¹¹

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар бозори сегментларини ўрганиш шуни кўрсатадики, кейинги йилларда маҳсулотлар экспортининг асосий қисми Россия, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Тадқиқот жараёнида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятидаги корхоналарнинг 2016–2020 йиллардаги экспорт ҳажмининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, пандемия шароитига қарамай, ушбу тўқимачилик корхоналарининг 2019 йилдаги экспорт ҳажмида, асосан, ўсиш кузатилган. Фақат Тошкент шаҳридаги «BEK MEGA TEXTILE» МЧЖ корхонаси ҳамда Андижон вилоятининг «Textile Lux» МЧЖ корхонасида экспорт ҳажми 2020 йилда 2016 йилдагига нисбатан мос равишда 10,6 % ва 1,9 % га пасайиши рўй берган.

¹¹ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳисобот материаллари асосида муаллиф ишланмаси

Биз ўз тадқиқотларимизда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини маркетинг ёндашувлари асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган экспорт салоҳиятини кўп омилли баҳолаш усули қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Тикув-трикотаж корхонасининг ташқи бозорларга чиқиш қобилиятини тегишли кўрсаткичлар тизими ва сўров натижалари асосида эксперт баҳолаш;

2. Тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини концептуал ва мантикий моделлар асосида таҳлилий баҳолаш;

3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун экспорт салоҳиятини баҳолашнинг ахборот-таҳлилий тизимини шакллантириш;

4. Тикув-трикотаж корхоналари тадқиқотлари натижалари ва бир гуруҳ экспертларнинг тармоқ экспорт салоҳиятини таҳлил қилишдаги фикрларини таққослаш.

Танлаб олинган кўрсаткичлар бўйича экспорт фаолияти билан шуғулланувчи «Alkim Tekstil» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) хусусий тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳияти маркетинг ёндашувлари асосида амалга оширилди. Ўрганилаётган тикув-трикотаж корхонаси ўз маҳсулотларини МДҲ мамлакатлари, Туркия ҳамда Германия давлатларига экспорт қилган. Экспорт салоҳияти ишлаб чиқилган услуб асосида баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

«Alkim Tekstil» МЧЖ хусусий корхонасининг экспорт салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ¹²

Кўрсаткичлар	Мухимлик даражаси коэффиценти	Қиймати
Экспорт товарлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги	0,18	0,39
Маҳсулотларни сотишнинг умумий ҳажмида экспорт улуши	0,16	0,35
Маҳсулот экспортдан олинган фойданинг умумий фойдадаги улуши	0,14	0,32
Экспорт савдоси рентабеллиги	0,13	0,24
Янги инновацион маҳсулотлар улуши	0,11	0,26
Автономия коэффиценти	0,10	0,22
Жорий ликвидлик коэффиценти	0,07	0,21
Экспорт маҳсулотларини сотиш самарадорлиги	0,11	0,36
Корхона экспорти салоҳияти интеграл коэффиценти - $I_{\text{ЭКС}}$		0,54

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, жорий йилда ушбу тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳияти интеграл кўрсаткичи 0,54 га тенг бўлиб, бу эса ушбу корхонанинг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

даражаси «қоникарли» деб баҳоланади. Шундай бўлсада, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуддир.

Тадқиқот жараёнида тавсия этилган услуб ёрдамида сўров натижалари таҳлил қилинди. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тикув-трикотаж корхоналари экспорт улушининг ошишини чекловчи ички ва ташқи омиллар, маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар ҳамда экспортга тўсқинлик қилувчи омиллар аниқланди.

Аниқланган экспорт салоҳияти интеграл кўрсаткичи қиймати таянган ҳолда тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳиятини баҳолаш учун шкала тузилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тикув-трикотаж корхонаси экспорт салоҳиятини баҳолаш шкаласи¹³

Интеграл кўрсаткич натижаси	Баҳонинг мазмуни
0 дан 0,30 гача	Критик
0,31 дан 50 гача	Қоникарсиз
0,51 дан 70 гача	Қоникарли
0,71 дан 0,85 гача	Яхши
0,86 дан 1 гача	Идеал (Аъло)

Таҳлилнинг кейинги босқичида ўрганилаётган тикув-трикотаж корхонасининг стратегик мавқеи жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб келинаётган SPACE-таҳлил усули ёрдамида баҳоланди. Натижалар асосида қуйидаги график қурилди (3-расм).

Ушбу тикув-трикотаж корхонасининг экспорт салоҳияти ва стратегик мавқеи таҳлили натижаларига таяниб, тикув-трикотаж корхонасининг экспорт маркетинг стратегияси шакллантирилди.


Диссертациянинг «**Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида кластер усули ёрдамида Ўзбекистонда тикув-трикотаж маҳсулотлари халқаро бозорини сегментлаш асосида истиқболли бозорларни топиш, тикув-трикотаж маҳсулотлари халқаро маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича маркетинг услугиётини такомиллаштириш амалга оширилган. Тикув-трикотаж саноати корхоналарини ташқи бозорга чиқиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича замонавий маркетинг ёндашувларидан фойдаланиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикамизда фаолият олиб бораётган тикув-трикотаж корхоналари экспорт географияси таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, ушбу корхоналарнинг асосий бозор сегменти МДХ мамлакатлари саналади. Биз ўз тадқиқотларимизда МДХ мамлакатлари учун республикамиздаги экспорт билан шуғулланувчи тикув-трикотаж корхоналари истеъмол бозорини ўрганишни икки йўналишда амалга оширишни лозим деб топдик:

бозорни ўрганиш усуллари;

маркетинг глобаллашуви муаммоси ва бозорни психографик ўрганиш.

¹³ Эксперт баҳолари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари



3-расм. Стратегик ҳолатнинг график тасвири («Alkim Tekstil» МЧЖнинг бозордаги мавқеи)

Бозорни мажмуий ўрганишда нисбий ўлчамлар ва кластер-таҳлил услубидан фойдаланиш имконияти бўлган усуллардан фойдаланиш таклиф этилади. Ушбу ёндашув куйидаги хусусиятларга эгадир: соддалиги ва ишончлилиги билан ажралиб туриши; олдиндан берилган бир ҳиллик даражасига кўра объектларни таснифлашга ҳамда дискриминант таҳлилнинг оддий усулларини қўллаш имкониятининг мавжудлиги.

Тадқиқотимизда МДХ мамлакатлари бозорини ушбу усул ёрдамида ўрганиш услуби таклиф этилади.

Кластер-таҳлил ёрдамида МДХ мамлакатлари бозори куйидаги мезонлар ёрдамида таҳлил қилинди: бозор сиғими, талаб тавсифи, сотув каналларига кириш имконияти, рақобат жадаллиги, маҳаллий товарлар томонидан рақобат, бозорнинг ҳудудий ёпиқлиги, нарх диапазони, бозорнинг жалб этувчанлиги.

Баҳолаш, МДХ мамлакатлари ташқи савдо айланмаси, ўрнатилган алоқалар, мамлакатлардаги мавжуд ҳуқуқий меъёрлар ҳақидаги статистик маълумотларни гуруҳлаш ва экспертлар баҳосига таянган ҳолда амалга оширилди.

Таҳлилни олиб бориш учун қулайлик туғдириш мақсадида асосий истеъмолчи мамлакатлар куйидагича табақалаштирилди: 1-Озарбайжон; 2-Арманистон; 3-Беларусь; 4-Грузия; 5-Қозоғистон; 6-Қирғизистон; 7-Молдова; 8-Россия; 9-Тожикистон; 10-Туркманистон; 11-Украина.

